

Аллоҳ зулм қилувчиларни ўта билувчидир



17:07 / 22.03.2020 5112

الْقِتَالُ عَلَيْكُمْ كُتِبَ إِنْ عَسَيْتُمْ هَلْ قَالَ اللَّهُ سَكِينٍ فِي نُفُوتِ مَلِكِنَا أَعْتَلَّ لَهُمْ لِنَبِيِّ قَالُوا إِذْ مُوسَىٰ بَعْدَ مِنْ إِسْرَائِيلَ بَنِي مِنْ أَلَمَلِ إِلَىٰ تَرَ أَلَمْ
عَلِيمُ وَاللَّهُ مِنْهُمْ قَلِيلًا إِلَّا تَوَلَّوْا الْقِتَالُ عَلَيْهِمْ كُتِبَ فَلَمَّا وَأَبْنَايَنَا دِينِنَا مِنْ أَخْرَجْنَا وَقَدْ اللَّهُ سَكِينٍ فِي نُفُوتِ أَلَانَا وَمَا قَالُوا نُفُوتُوا إِلَّا

بِالظَّالِمِينَ ﴿١٢٦﴾

Мусодан кейинги Бану Исроилдан бўлган зодагонларни билмадингми?!
Ўшанда улар ўз набийларига: «Бизга бир подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг
йўлида уруш қилайлик», – дедилар. У: «Агар сизларга уруш фарз қилинса,
эҳтимол, урушмассизлар?!» – деди. Улар: «Бизга нима бўлибдики,
диёримиздан ва фарзандларимиздан жудо қилинсак ҳам, Аллоҳнинг
йўлида урушмасак», – дедилар. Уруш фарз қилинганда эса озгиналаридан
бошқалари юз ўгириб кетдилар. Ва Аллоҳ зулм қилувчиларни ўта
билувчидир. (Бақара сураси, 246-оят)

Ушбу ояти каримани Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломнинг қавмидан бўлган аъёнларни эслатиш билан бошламоқда.

«Мусодан кейинги Бану Исроилдан бўлган зодагонларни билмадингми?!»

Мусо алайҳиссалом вафот этиб кетганларидан кейин Бану Исроилнинг аъёнлари, катталари, ишбошиларидан бир гуруҳи

«Ўшанда улар ўз набийларига: «Бизга бир подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик», – дедилар».

Яъни у аъёнлар ўз пайғамбарларининг олдига келиб: «Бизга бир подшоҳ – бошлиқ тайин қилиб бер, унинг раҳбарлигида Аллоҳнинг йўлида урушмоқчимиз», – дейишди. Уларнинг бу гапларидан қалбларида иймон ҳисси уйғониб турган пайт экани билиниб турибди. Улар ўзларича, биз иймон эгаларимиз, ҳақ йўлдамиз, кофирлар ботилда, бизни Аллоҳнинг Ўзи қўллайди, деган фикрдалар. Шунинг учун «Аллоҳнинг йўлида уруш» қилмоқчилар. Лекин улар қуруқ хавас билан иш битмаслигини англаб етмайдилар. Бу ҳақиқатни Аллоҳдан бўлган ҳидоят туфайли уларнинг пайғамбарлари тушуниб етади. Шунинг учун

«У: «Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол, урушмассизлар?!» – деди».

Ҳозир кенгликда туриб, бир-бирингизга қизиқиб, «Бизга бир подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик», – демоқдасизлар. Ҳақиқатан шу иш йўлга қўйилса, уруш фарзга айланади ва унда орқага қайтишнинг иложи қолмайди. Ортга қайтган гуноҳкор бўлади.

Бу мулоҳаза қизишиб турган тўдани янада қидириб юборди. Урушга кириш қарорига олиб келган сабабларни зикр қилишди:

«Улар: «Бизга нима бўлибдики, диёримиздан ва фарзандларимиздан жудо қилинсақ ҳам, Аллоҳнинг йўлида урушмасак», – дедилар».

Яъни «Қайтишга йўл йўқ. Урушмасак, нима деган одам бўламиз?! Кофирлар бизни диёримиздан чиқарган, фарзандларимиздан жудо қилган бўлсалар».

«Уруш фарз қилинганда эса озгиналаридан бошқалари юз ўгириб кетдилар».

Аввалги қизиқиш, шижоат ва хавасдан асар ҳам қолмади. Одамзоднинг табиати шу – оломон ичида ақли ҳам оломоннинг ақлига қўшилиб қолиб,

бир-биридан шижоатли бўлиб, оғзига келганини гапираверади. Турли фидокорона таклифлар қилади. Бошига калтак тушганда эса ҳаммаси ўзини қутқаришга тушиб қолади. Фақат чуқур ийманий тарбия олганларгина собитқадам бўлиб қоладилар. Жамоатга раҳбарлик қилувчи шахслар ушбу ҳолатнинг ҳисобини яхши олишлари керак. Кўпчиликнинг бир-бирига қизиқиб чиққан ташаббусига алданиб қолмаслик керак.

«Ва Аллоҳ зулм қилувчиларни ўта билувчидир».

Бошга иш тушганда ортга қараб қочадиганлар золим эканини шу оятдан биламиз. Аллоҳ таоло уларнинг зулмини билиб, муносиб жазоларини беради.

«Тафсири Ҳилол» китобидан